


**Мавзу: Таълимда интернет
технологиялар ва хизматлар**

Тошкент 2023



Режа:

- 2.1. Таълимда Интернет технологиялари (Web 2.0 ва Web3.0 технологиялар) ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш.
- 2.2. Таълимда булутли технологиялар.
- 2.3. Аралаш таълим хусусиятлари.




Таянч иборалар: *Web-технологиялар, Web 2.0 технологиялари, Web 3.0 технологиялари, булутли технологиялар, Аралаш таълим (blended learning).*





- Ҳозирги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари Интернет технологиялари ва хизматлари билан боғланган. Интернет тараққиётининг замонавий тенденциялари **Web 2.0**, булутли технологияларига, **ОЭТР** ва **ООКларга** асосланган компьютер тармоқлари жамоавий мулоқотнинг энг асосий универсал воситасига айланиб бораётган янги ижтимоий-иқтисодий шароитда инсон қандай илм олаётгани ва билимларини қандай ошираётганини кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Таълим тизими олдида электрон ахборот муҳитида махсус кўникма ва малакаларга эга, рақобатбардош шахсларни вояга етказиш вазифалари туради.





- Ҳозирги кунда Интернет технологияларининг ривожланиши Web 2.0 ва Web 3.0 каби технологияларнинг яратилишига асос бўлмоқда.
- Web 1.0 технологияси 1999 йилгача фойдаланилган, унинг асосий функцияларини гипермуҳожатлар ҳамда веб-саҳифалар бажарган.
- Web 1.0 бу фойдаланувчилар учун ўз фикр ва мулоҳазаларини киритиш имони мавжуд бўлмаган, пассив ҳолатда ахборот олиши мумкин бўлган ахборий порталдир



Web 2.0 нинг Web 1.0 дан энг муҳим фарқи унинг контентини ҳамма ярата олади. Ижтимоий сервислар - Web 2.0 тармоғининг номидир. Ижтимоий таъминотнинг янги сервислари материалларни яратиш ва уларни тармоқда нашр қилиш жараёнларини соддалаштирди. Бугунги кунда Web 2.0 технологиялардан фойдаланган ҳолда миллионлаб одамлар томонидан янги контент яратилмоқда. Умумий олганда Web 2.0 технологияси интерфаол маълумотли WWW - бутун дунё ўргумчак тўрининг “ёзилувчи” ибораси билан таснифлаш мумкин.



Web 2.0 технологиялар ёрдамида қуйидаги жамоавий фаолиятни амалга ошириш мумкин:

- Ҳамкорликда қидирув;
- Закладкаларни ҳамкорликда сақлаш;
- Медиа материалларни (фотосуратлар, видеотасмалар, аудиотасмалар) ҳамкорликда яратиш ва ишлатиш;
- Гиперматнларни ҳамкорликда яратиш ва таҳрир қилиш;
- Тармоқда ҳужжатлар, электрон жадваллар, презентациялар (тақдимотлар) ва бошқа ҳужжатларни ҳамкорликда яратиш, таҳрир қилиш ва фойдаланиш.




Web 3.0 семантик технологияга асосланади, унинг кўринишигини эмас, балки унинг нималигини ҳам ифодалайди. Умумий олганда Web 3.0 технологиясини “машина-машина” усулидаги ўзаро муносабат ва интерфаол хизматлар, динамик иловалар WWW - бутун дунё ўргумчак тўрининг “бажарилувчи” ибораси билан таснифлаш мумкин. Web 3.0 - бу келажакка йўналтирилувчи семантик тармоқдир. Web 3.0 да компьютерлар ахборотларни одамлар каби талқин қилиш, интеллектуал шакллантириш ва фойдаланувчилар учун зарурларини аниқлаш ва тарқатиш имконига эга бўлади.



Google асбоб-ускуналари ва сервисларидан фойдаланиш ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойиҳалаштириш имкониятини беради. Веб муҳитида Google Диск, Google Ҳужжатлар (матн, электрон жадвал, тақдимотлар, график муҳарирлари), Google тақвим (календар), Google формалари (сўровномалар яратиш), Google Hangouts (Messenger) Google+, Google Blogger (сайтлар яратиш) орқали ўқув жараёнини ташкиллаштириш, бошқариш ўқув жараёни сифатини оширишга сабаб бўлади.



Google тақвим (календар) вақтингизни режалаштиришда, ўқув дарс жадвалини тузишда ва талабалар билан қайта топшириш вақтлари, мажлис ва конференциялар, туғилган кунларни эслатиб туриш ва бошқа имкониятлари мавжуд. Google тақвим сизнинг мобил телефониз билан ҳам интеграциялаши мумкин. Google тақвимни бир ўзингиз ёки гуруҳ бўлиб шаклантиришингиз мумкин булади.

- 
- A close-up photograph of a person's hand holding a black pen with a gold nib, positioned over a white document. The background is softly blurred, showing what appears to be a desk or workspace.
- Google блоггер ёрдамида ўзингизнинг шахсий сайтингизни (блогингизни) яратишингиз мумкин. Масалан Тарих ўқитувчисининг шахсий сайти. Бу яратилган сайтга ўзингизнинг илмий-услубий ишларингизни жойлаштиришингиз, талабаларга ўзингизнинг фанингиз бўйича ўқув мажмуаларни махсус бўлим очиб юклаб қўйишингиз мумкин. Фан бўйича бўлаётган илмий янгиликларни бериб боришингиз сўровномалар утказишингиз мумкин бўлади.

Google Hangouts -коммуникация элементи бўлиб, видео, аудио ва кичик хабарлар юбориш имкониятини берувчи сервис ҳисобланади. Google Hangouts орқали сиз вебинарлар ташкиллаштиришингиз мумкин





Google диск - бу шахсий ҳужжатларингизни сақлаш имкониятини берувчи виртуал диск ҳисобланади. Унга кириш бу расмда кўрсатилган Дискни босиш орқали амалга оширилади.

googledocs - энг асосий имкониятларидан бири бу бир ҳужжат устида бир нечта фойдаланувчи бир вақтнинг ўзида синхрон ёки асинхрон кўринишда ишлаши мумкин. Бир нечта фойдаланувчилар яратилган бир ҳужжат устида ишлашларини ташкиллаштиришингиз учун ҳужжатнинг юқори ўнг томонида «НАСТРОЙКИ ДОСТУПА» тугмасини босишингиз керак бўлади.




googledocsда бирор бир ҳужжатни яратиш учун «СОЗДАТЬ» тугмасини босиш керак. Googledocs орқали сиз:

- Матнлар билан ишлайдиган ҳужжатни;
- Тақдимотлар яратиш имкониятини берувчи ҳужжатни;
- Электрон жадваллар яратиш имкониятини берувчи ҳужжатни;
- Сўровномалар утказиш имкониятини берувчи ҳужжатни;
- Расмлар билан ишлаш имкониятини берувчи ҳужжатларни яратиш имкониятини беради.




Интернет орқали онлайн таълимни ташкиллаштириш учун бугунги кунда бир қатор технологиялардан фойдаланилади. Булутли ҳисоблаш технологияси интернет орқали таълим тизимини ташкиллаштиришнинг энг самарали усули ҳисобланади. Булутли технология тақсимланган маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш тизимларидан ташкил топиб, бир вақтда жуда кўплаб ўқув материалларидан ташкил топган онлайн маъсофавий таълим тизимини ташкиллаштириш, бутун таълим фаолиятини ягона платформада ташкиллаштириш имконини беради.




Булутли таълим хизматларини ташкиллаштириш бошқа усулларга нисбатан қуйидаги устунликларга эга:

- - Уланишнинг қулайлиги ва амалга оширилиши соддалилиги;
- - Платформа нархининг арзонлиги ва универсаллиги;
- - Хавфсизликнинг юқорилиги;
- - Ишончлилиги;
- - Тизимнинг тармоқ платформасига осон мослашувчанлиги.

- 
- Ҳозирги кунда blended learning (аралаш таълим, ананвий ва электрон таълим) технологияси ривожланмоқда, натижада ўқув материалнинг бир қисми электрон курс шаклида, қолгани эса, аудиториядаги машғулот шаклида амалга оширилиши мумкин. Бундай таълим талабалардан ўз ўқув жараёнини бошқаришни, юқори даражада ташкилотчиликни, маълум қобилиятларни, уқувларни, таълим олиш жараёни натижаларини баҳолашни талаб этади. Бундан ташқари, талаба ўқув материални ўзлаштириш учун уни мустақил равишда умумлаштириши, бажарилган ўқув ишлари ва топшириқларни бажаришдаги фаолиятини таҳлил қилиши ва баҳолаши керак.





Методик ва тест материаллар мавжуд бўлганда талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиши ва баҳолаши таълимга нисбатан ижобий муносабат шаклланишига самарали таъсир кўрсатади ва у қуйидагиларга имкон яратади:

- – талабага ўқув фаолиятини режалаштириш;
- – мақсад қўйиш ва ўқиш муаммоларини ҳал қилиш;
- –ўқувматериалинитизимлаш;
- –асосийғояларни ва иккинчи даражалилардан асосийсини ажрат иш;
- –натижаларни баҳолаш, тест ўтказиш ва ахборотларни қиёслаш орқали ўқув фаолиятининг барча босқичларида натижаларни баҳолаш ва ўзини баҳолаш.



ТЕСТ

1. Таълим жараёнининг моҳиятини нима ташкил этади?

- A. Ўқиш, билим, ривожланиш.
- B. Билим, тарбия, маълумот.
- C. Билим, кўникма, малака.
- D. Билим, ўқитиш, ривожланиш.

2. Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A. Дарсни тўғриташкил этиш, нутқ, ташаббускорлик, қобилият.
- B. Талаб, истикболлар белгилаш, рағбатлантириш, жазолаш, жамоатчилик фикри.
- C. Меҳнатсеварлик, ирода, жазолаш, муомала.
- D. Сухбат, бадиий адабиёт, муомала.

0,5

МУАММОЛИ ВАЗИЯТ

Муаммо: Дарсни бошладингиз, аудиторияда тинчлик ҳукмрон сурмоқда. Бирдан кимдур кулиб юборди. Сиз кулиб турган талабага савол ва хайрат назари билан қарадингизда, у сизга тик қараб гапирди: “Мен учун сизга қараш доим кулгили ва кулгим келади” дея жавоб қайтарди.

Сизнинг муносабатингиз.

0-5

СИМПТОМ.

Педагогнинг сифат таснифи санаб беринг.

0,5

АМАЛИЙ КЎНИКМА.

Педагогик фаолиятда қандай таълим усулларидан фойдаланасиз

0-5





Назорат саволлар:

- АКТ соҳаси ривож ва глобаллашув жараёни ўртасидаги муносабатни тушунтиринг.
- Таълимни ахборотлаштириш соҳасининг ривожланишида глобал тенденцияларни келтириб ўтинг.
- Замонавий ахборот коммуникация технологияларига мисоллар келтиринг. Уларнинг дидактик имкониятларини очиб беринг.
- Ўқув-тарбия жараёнида web 2.0 ва web 3.0 технологияларини кўллаш бўйича мисоллар келтиринг.
- Булутли технологияларнинг электрон таълимдаги аҳамиятини изоҳланг.
- Кенг тарқалган булутли тизимлар ва уларнинг имкониятларини тавсифланг.
- Булутли серверларда хизматларни ташкиллаштириш кетмакетлигини тавсифлаб беринг.
- Аралаш таълим деганда нимани тушунасиз?
- Аралаш таълимни компьютерда дарс олиб боришдан ёки электрон таълимдан фарқи нимада?
- Аралаш таълимни қайси технологиялар асосида ташкил этиш мумкин?

Тавсия қилинадиган адабиётлар ва Интернет ресурслар:

- Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. - 218 б.
- Батаев А. В. Перспективы внедрения облачных технологий в период кризиса // Молодой ученый. - 2015. - №23. - С. 471-474.
- Емельянова О. А. Применение облачных технологий в образовании // Молодой ученый. - 2014. - №3. - С. 907-909.
- Кречетников К. Г. Социальные сетевые сервисы в образовании / К. Г. Кречетников, И. В. Кречетникова / Тихоокеанский военно-морской институт имени С.О. Макарова. - [http://ido.tsu.ru/other_res/pdf/3\(39\)_45.pdf](http://ido.tsu.ru/other_res/pdf/3(39)_45.pdf)
- Нурмухамедов, Г.Н. Электронные учебные курсы: потребности образования, проектирование, разработка, проблемы и перспективы //Информатика и образование.-2012.-№1.
- Облачные сервисы в образовании / З. С. Сейдаметова, С. Н. Сейтвелиева С.Н. / Крымский инженерно-педагогический университет. - http://ite.ksu.ks.ua/ru/webfm_send/211
- Программа развития ИКТ в Узбекистане на 2015-2019 гг. включает в себя 9 инвестиционных проектов. <http://www.review.uz/index.php/novosti-main/item/5803-programma-razvitiya-ikt-v-uzbekistane-na-2015-2019-gg-vklyuchaet-v-sebya-9-investitsionnykh-proektov>
- Растамханова С. Н., Фазлетдинова А. Р., Хафизова Р. Р. «Облачное хранилище данных» в документоведческом аспекте // Молодой ученый. - 2016. - №26. - С. 81-83.



A close-up photograph of a person's hand holding a black pen with a gold nib, writing on a white document. The document has some faint, illegible text on it. The background is blurred, showing what appears to be a desk or table.

**Эътиборингиз учун
рахмат!!!**